



CONCEPT AND CONTENT OF OTHER COMPREHENSIVE INCOME, ACCOUNTING PRINCIPLES AND WAYS TO IMPROVE

Eshpulatova Zaynab Baratovna

Applicant for the Samarkand Institute of Economics and Service, Assistant of the Department of Accounting and Auditing

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5501991>

ARTICLE INFO

Received: 01st September 2021
Accepted: 05th September 2021
Online: 10th September 2021

KEY WORDS

Income, income, other comprehensive income, expense, reserve, reclassification, adjustment, international financial reporting standards.

ABSTRACT

The implementation of international financial reporting standards (IFRS) in our country is one of the important issues on the agenda. One of the most important tasks of the country today is the application of international practice in the accounting system for the recognition of income and expenses, which are the main indicators of financial accounting. This article describes and discloses the concept of other generalized income, and is also of great importance in the accounting system.

БОШҚА УМУМЛАШГАН ДАРОМАДЛАР ТУШУНЧАСИ, УНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Эшпулатова Зайнаб Баратовна

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти мустақил-изланувчиси, “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси ассистенти

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01-sentabr 2021
Ma'qullandi: 05- sentabr 2021
Chop etildi: 10- sentabr 2021

KALIT SO'ZLAR

Даромад, фойда, бошқа умумлашган даромад, ҳаражат, резерв, реклассификация, коррективировка, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

ANNOTATSIYA

Мамлакатимизда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС)ни жорий қилиш кун тартибидаги муҳим масалаларидан ҳисобланади. Молиявий ҳисобининг асосий кўрсаткичлари бўлган даромад ва ҳаражатларни тан олишда халқаро амалиётни ҳисоб-китоб тизимида қўллаш, бугунги кунда муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу мақола даромад турларидан бири бўлган, бошқа умумлашган даромадлар тушунчаси ҳисоб-китоб тизимида ҳам катта аҳамият касб этишини очиб беради.




Янги Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш бўйича жадал ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори [1] ҳисобланади. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) халқаро профессионал ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатлар мажмуасидан иборат. Уларни ўрганиш ва жорий қилиш ҳар бир стандартни чуқур таҳлил қилишни ва уларнинг қўлланилиши бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Шу боис, ушбу стандарт талабларига мувофиқ ҳисоб-китобларни ташкил этиш, молиявий ҳисоботларда даромадлар ва фойда тўғрисида шаффоф ахборотларни акс эттириш, халқаро инвесторларга уларга тушунарли бўлган воситаларда, яъни энг синалган ва самарали усул ҳамда услублар, тан олиш ва баҳолаш мезонлари, халқаро қоида ва принциплардан фойдаланган ҳолда компаниянинг даромадлари, фойдаси ва унинг тақсимооти ҳамда фойдадаги улуши тўғрисидаги ишончли, уйғун ва таққосланувчи молиявий ахборотларни тақдим этиш методологиясини жорий этиш барча мамлакатлар, айниқса МХХСларни биринчи марта қўллаётган мамлакатлар учун ўта долзарб масаладир. Мамлакатимизда даромадлар ва фойда ҳисобини МХХСларга мувофиқлаштириш борасида муайян натижаларга эришилди.

Жумладан, 2-сон БҲМС “Асосий фаолиятдан олинган даромадлар” стандарти ҳамда “Харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни аниқлаш тартиби” тўғрисидаги Низомга мувофиқ даромадлар ва молиявий натижаларнинг халқаро мезонларга мувофиқ келадиган тартиби ишлаб чиқилди, 2021 йилдан эътиборан акциядорлик жамиятлари, банклар, суғурта ташкилотлари, давлат улуши бўлган корхоналар ва ихтиёрийлик асосида бошқа корхоналарга МХХСлар асосида молиявий ҳисобот тузиш, уларни халқаро аудитдан ўтказиш ва нашр эттириш тартиблари амалиётга жорий этилади. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашда халқаро стандартлар талабларидан келиб чиқиб хорижий инвесторлар ва бошқа ахборот фойдаланувчилари талабларига мос ҳолда даромадлар ва фойда ҳисоби методологиясини ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тубдан такомиллаштириш юзасидан илмий изланишларни олиб боришни тақозо этади. Шу боис, даромадлар ва фойда кўрсаткичларини молиявий ҳисоботнинг элементи сифатида тавсифлаш ва таркибий қисмларини белгилаш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро стандартларга ўтиш даромадларни иккита категорияга ажратишни талаб этади: 1. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириладиган даромадлар; 2. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилмайдиган, яъни бошқа умумлашган даромадлар (БУД) (3.1-расм).



3.1-расм. Даромадларнинг турлари

Биз юқоридаги параграфларимизда асосан фойда ва зарарлар тўғрисidaги ҳисоботда акс эттириладиган даромадларни тан олиш, баҳолаш ва ҳисобларда акс эттириш масалаларини тадқиқ этдик. Ушбу параграфда эса фойда ва зарарлар тўғрисidaги ҳисоботда акс эттирилмайдиган, яъни бошқа умумлашган даромадларнинг таърифи, таркиби, уларнинг тан олиниши, баҳоланиши ва ҳисобларда акс эттирилиши масалаларини тадқиқ этамиз.

С.Н. Ташназаров бошқа умумлашган даромадларни бошқа тўплам даромадлар деб атаб, унга қуйидагича таърифни келтиради: “Бошқа тўплам даромадлар ва харажатлар моддаларини ўз ичига олади

(шу жумладан реклассификацияга нисбатан коррективка), қайсики улар фойда ва зарарлар таркибида тан олинмайди, улар бошқа МҲХСларида талаб этилади ва йўл қўйилади.”¹

АССАнинг “Молия ва бизнесни бошқариш” дипломлари бўйича дарслигида “Бошқа умумлашган даромадлар – бу даромад ва харажатларни ўз ичига олиб, қайсики фойда ва зарарлар тўғрисidaги ҳисоботда тан олинмайди (яъни улар давр учун реализация қилинган фойда таркибида эмас, балки резервларда акс эттирилади.)

Ирина Завалишина бошқа умумлашган даромадларни капитал ўзгариши тўғрисidaги ҳисоботда акс эттирилишини таъкидлайди: “Бошқа умумлашган даромадлар (ПСД) – бу даромад ва харажат моддалари, қайсики олдин фойда ва зарарлар

¹ С.Н. Ташназаров. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари: Олий ўқув юрлари магистратура мутахассисликлари учун дарслик. – Тошкент:

“IQTISOD-MOLIYA”, 2019. – 584-б.
<https://www.academia.edu>. 104-б.



тўғрисидаги ҳисоботда тан олинмаган бўлиб, капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган ҳисобланади”

АССА ўқитувчиси Елена Вакарюк “компаниянинг бошқа асосий бўлмаган фаолияти билан боғлиқ бўлган, қайсики турли МХХСлари талабларига мувофиқ маълум моддаларни турли хил қайта баҳолаш натижасида юзага келган ўзгаришлар бошқа умумлашган даромадлар таркибида акс эттирилади.”

Манбаларда бошқа умумлашган даромадларни тан олишда ёндашув муҳимлигини қайд этади. Бунда асосий мезон сифатида “Бу борада бир қанча қарашлар амал қилади, уларнинг ичида энг кўп тарқалгани, бу бошқа умумлашган даромадларга барча реализация қилинмаган даромадлар ва харажатлар киритилади, яъни шундай даромадларки, қайсики улар компаниянинг операцион фаолияти давомида ҳар қандай вақтда пул оқимларига тайёр эмас ҳисобланади. Масалан, ишлаб чиқариш биносини (яъни асосий воситаларни) қайта баҳолаш, қайсики компаниянинг операцион фаолияти давомида тасаввур қилинадиган келгуси давр мабойнида сотилиши даргумон ҳисобланади. Бундай воситаларни қайта баҳолаш – бу бошқа умумлашган даромадлар таркибида акс эттириладиган реализация қилинмаган даромаддир. Бошқа томондан ижарага топшириладиган бинони

(инвестициявий мулк сифатида таснифланган) ҳаққоний қийматининг ўзгариши – бу фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириладиган реализация қилинган даромаддир. Нима учун?, Чунки, инвестициявий мулк ўзининг аниқлиги бўйича ҳар қандай вақтда, қачонки компания инвестицион мақсадларга эришилиб бўлинди ва бинони сотиш мумкин, деб қарор қилган тақдирда сотилиши мумкин. инвестициявий мулк тасаввур қилинаётган келажакда пул оқимларига айланишининг эҳтимоли анча юқори ҳисобланади.”²

Юқоридаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда олимлар томонидан келтирилган таърифлар асосан бир хил мазмунга эга бўлиб, бошқа умумлашган даромадлар хусусиятларни очиб беради. ушбу таърифларни умумлаштирган ҳолда биз бошқа умумлашган даромадларга қуйидагича таъриф берамиз: “Бошқа умумлашган даромадлар – бу корхонанинг умумлашган даромадининг бир қисми бўлиб, даромадлар ва харажатлар моддаларини ўзи ичига олиб, фойда ва зарарларда акс эттирилмайдиган реализация қилинмаган даромадлар бўлиб, капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади ҳамда уларнинг таркиби ва ҳисобга олиниши алоҳида МХХСда кўзда тутилади ва йўл қўйилади”

Ушбу таърифдан бошқа умумлашган даромадларнинг бир қанча хусусиятлари келиб чиқади.

² Прочий совокупный доход [ПСД]

<https://inflexio.ru/glossary/prochij-sovokupnyj-doxod/>



Биринчидан, у даромад ва харажат ҳисобланади. Лекин, фойда ва зарарларни, жумладан соф фойдани ҳисоблашда инobatга олинмайди. Шу сабабли, у кўп ҳолатларда фойда солиғига ҳам тортилмайди. Бошқа умумлашган даромадлар корхонанинг жами умумлашган даромадини таркибий қисми ҳисобланади. Уни қуйидагича формула орқали ҳам ифодалаш мумкин:

$$\begin{aligned} & \text{Жами умумлашган даромад} = \\ & = \text{Фойда ва зарарлар} \\ & + \text{Бошқа умумлашган даромад (1.1)} \end{aligned}$$

Юқоридаги олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларимизни беришимиз мумкин:

Биринчидан, бошқа умумлашган даромадлар таркибига кирувчи моддалар реализация қилинмаган даромад ҳисобланади. Масалан, юқорида мисол келтирилганидек, асосий воситаларни қайта баҳолашдан олинган даромад бу реализация қилинмаган даромад ҳисобланади. Асосий воситаларни қайта баҳолаш уларнинг қийматини оширади, лекин бу ҳали реализация қилишни назарда тутмайди. Корхона ушбу активларни келгусида қачон сотиши ҳақида маълумотларга ҳамда режаларга эга бўлмайди.

Иккинчидан, фойда ва зарарлар хусусий капитал ўзгариши тўғрисидаги

ҳисоботда “тақсимланмаган фойда” моддасида ўз аксни топса, бошқа умумлашган даромадлар ҳам ушбу даромадларни ҳисобга олвучи счетларда натижавий суммасини хусусий капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисоботда умумий суммада ёки ҳисоб сиёсатида кўзда тутилган тартибда бошқа умумлашган даромадларнинг моддалари кесимида акс эттирилади. Шу боис, бошқа умумлашган даромадлар хусусий капитал элементи ҳисобланади.

Учинчидан, бошқа даромадлар тўғрисидаги ахборотлар менежерлар ва бошқа қарор қабул қилувчилар учун ўта фойдали ахборотлар ҳисобланади. Шу боис, халқаро стандартлар ахборот фойдаланувчилар учун бошқа умумлашган даромадлар тўғрисида батафсил ва ишончли ахборотларни тақдим этишни талаб этади.

Тўртинчидан, бошқа умумлашган даромадлар тушунчаси бизнинг амалиётимизда бугунга қадар қўлланилган эмас. 2021 йил халқаро стандартларга ўтаётган корхоналарда албатта ҳисоботларида акс эттиришлари шарт бўлади. Миллий стандартларимиз асосида юритаётган корхоналар учун ҳам бу кўрсаткичлар муҳимлигини ҳисобга олиб миллий стандартларимизга тегишли ўзгаришларни киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. С.Н. Ташназаров. Молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш. Монография. - Publisher SIA OmniScriptum Publishing. GlobeEdit Publishing house. 2018. 280 p. ISBN-13:978-613-8-24050-1
2. С.Н. Ташназаров, З.Б.Эшпўлатов, Д.С.Тошназарова



2. Н.Алимова. Замонавий меҳмонхоналарда кўрсатилаётган хизматлардан олинаётган даромадлар ҳисобининг муаммолари. <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/67029-zamonaviy-mhmonxonalarda-kursatilayotgan-xizmatlardan-olinayotgan-daromadlar-hisobining-dolzarb-muammolari>

4. Р.Ҳасанова. Замонавий корпоратив бошқарув тизимида молиявий натижалар ва уларни тақсимлашнинг ҳисоби. <http://www.biznes-daily.uz/uz/birjaexpert/49680-zamonaviy-korporativ-boshqaruv-tizimida-moliyaviy-natijalar-va-ularni-tahsimlashning-hisobi>

5. Учет доходов. https://www.audit-it.ru/terms/accounting/uchet_dokhodov.html

6. Учет доходов и расходов. <https://class365.ru/uchet-tovarov-uslug/uchet-dohodov-i-raskhodov>

7. Порядок и принципы учета доходов и расходов в организации. https://nalognalog.ru/nalog_na_pribyl/rashody_nalog_na_pribyl/poryadok_i_principyu_ucheta_dohodov_i_rashodov_v_organizacii/

8. ACCOUNTING FOR RECOGNITION OF ENTERPRISES INCOME (ACCOUNTS) IN ACCOUNTING WITH INTERNATIONAL STANDARDS AND "FINANCIAL REPORTING CONCEPTUAL FUNDAMENTALS" Eshpulatova Zaynab (Samarkand, Uzbekistan) International Consortium on Academic, Trends on Education and Science Hosted from London, England <http://euroasiaconference.com> April 3rd -4th 2021

9. Зайнаб Эшпўлатова «ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚ ХАРИДОРЛАР БИЛАН ШАРТНОМАЛАР БЎЙИЧА ТУШУМЛАР ҲИСОБИ»

“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали. №2, апрель, 2021 йил. ISSN: 2181-1016